# Нефть махсулотларини етказиб бериш ҳақида

## ШАРТНОМА № 1/45

2022 йил « 10 » январ Кучлик МФЙ

«Кучлик нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда « Етказиб берувчи »де юритилади) “Низом” асосида фаолият кўрсатувчи рахбари **Э.Т.Худайшукуров** бир тарафдан ва Дийдо ёшлар экспериментал театр студияси Давлат муассасаси ( кейинги уринларда **«Истеъмолчи»** деб аталади) номидан “Низом” асосида фаолият юритувчи рахбари А.Ташпов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар;

### 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт Маҳсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

| Нефт маҳсулотининг номи | Микдори (тн) | (1 тн.учун) 10.01.2022 йилдан белгиланган нарх | Хакикатда сотилган махсулот нархи (хисоб-фактурага асосан) | суммаси (сумма биржа уртача катировка нархларига асосан узгариши мумкин) |
|---|---|---|---|---|
| Автобензин Аи-80 | 0,050 | 11 000 000,0 | | 550 000,00 |
| Дизел ёнилги ЭКО | 0,050 | 11 810 027,0 | | 590 501,35 |
| ЖАМИ | | | | 1 140 501,35 |

1.2.Шартноманинг умумий қиймати 1 140 501,35 сўмни,
Шу жумладан ҚҚС 148 761,05 сумни ташкил қилади ва «Истеъмолчи» йил давомида оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни қуйидаги ҳисоблардан амалга оширади:

Бюджет ҳисобидан: 1140501.35 сўм.

Бюджетдан ташқари (махсус) ҳисобдан: — сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

### 2.МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. “Нефт маҳсулотлари “**Истеъмолчи**”га нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг махсус автотранспортида ёки транзит тартибда етказиб берилади.“Истеъмочи” маҳсулотни ўзининг автотранспортида олиб кетган тақдирда хак талаб қилинмайди.

2.2.Нефть маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) маҳсулот хақи тўлик тўлангандан сўнг “Исеъмолчи”нинг талаби асосида амалга оширилади.Нефть маҳсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

### 3. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. “Истеъмолчи” оладиган нефт махсулотлари учун олдиндан 100% маблагларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олади.